

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
№DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРАБАЕВА ГУЛНОРА ШАРАФИТДИНОВНА

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Карабаева Гулнора Шарафитдиновна
Саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш3

Карабаева Гулнора Шарафитдиновна
Повышение инновационной активности промышленных предприятий23

Karabaeva Gulnora Sharafitdinovna
The increasing innovation activity of industrial enterprises43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
№DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАРАБАЕВА ГУЛНОРА ШАРАФИТДИНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt460 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Назарова Раъно Рустамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Қодиров Абдусатторхўжа
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ирисбекова Мавлюда Наринбаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.1.03.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «21» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-101-323; e-mail: tstu_info@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» май да тарқатилди.
(2021 йил «4» май даги 7 -рақамли реестр баённомаси).



Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Г.Ж. Аллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.,
PhD, доцент

М.А. Махкамova
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда унинг инновацион йўналиши ва инновацион таркибини ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 70-90% инновацион ва технологик тараққиёт ҳисобига таъминланади. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эриш алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида саноат корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада инновацион фаолликни оширувчи омилларни ривожлантириш ва инновацион фаолият субъектларининг лойиҳаларини инвестиция билан таъминлаш йўллариини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ўсишининг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жадал жорий этиш Ўзбекистон Республикасини жадал ривожлантиришнинг муҳим шартидир”¹. Шу жиҳатдан, саноат корхоналарининг, хусусан машинасозлик корхоналарида инновацион фаоллигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда миллий инновацион ривожланиш концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлигини ва инновацион ривожланишини оширишига нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4765-сон “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони (27.09.2020 йил ҳолатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган). “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 24 сентябр, 38-сон, 764-модда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий инновацион ривожлантириш муаммоси сўнгги йилларда долзарб бўлиб келмоқда, маҳаллий ва хорижий иқтисодчиларнинг асарларида асосий ўринни эгаллаб келган. Инновацион ривожланиш назариясининг асосчиси бўлган И. Шумпетер инновацион иқтисодий масалалари билан биринчилардан бўлиб шуғулланган². Инновацион бошқариш муаммолари Р.А. Фатхутдинов, Ю.П. Морозов, Л.С. Барютин томонидан ўрганилган³.

Инновацион жараёнларни таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар С.И. Абрамов, В. Беренс, Г. Бирман, Н.Розенберг, П.Друкер, Б.Лундвал каби муаллифларнинг асарларида ўрганилган⁴. Сўнгги йилларда жаҳон инвестициялаштириш амалиётида америкалик иқтисодчилар Ж. Эдлер, С. Вуттон ва М. Скоулс услубиёти кенг тарқалган⁵. Ф.Агийоннинг назарияси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. У инвестиция ва инновациялар ўзаро боғлиқлигини иқтисодий ўсиш омиллари сифатида асослаб берган, инновацион фаолиятда микдор самараси ва эндоген ўсишнинг замонавий назарияларини ўз ичига олган.

Юртдошларимиздан А.М.Қодиров, М.А. Махкамова, Г.Ш.Хонкелдиева, М.Л.Турсунходжаев, Д.В. Тростянский, З.Т.Гаибназарова, Р.И. Нуримбетов, Г.Ж.Аллаева каби олимлар саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ўрганмоқдалар⁶. Шу билан бирга, инновация ва саноат корхоналарнинг ўзвий ривожланиш масалалари илмий адабиётларда етарлича ўрганилмаган бўлиб қолмоқда. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммонинг ечими кенг ёритиб берилган.

² Шумпетер Й. Теория экономического развития / Й. Шумпетер; пер. с нем. В. С. Автономова, М. С. Любского, А. Ю. Чепуренко. М.: Прогресс, 1982.-456 с.

³ Фатхутдинов, Р. А. Инновационный менеджмент / Фатхутдинов Р. А. СПб.: Питер, 2002. - 400 с.; Морозов В. Методы оценки качества инвестиционных проектов // Экономист. 1998.-№7.- С.81-85.; Барютин Л. С. Основы инновационного менеджмента: теория и практика / Л. С. Барютин; под ред. П. Н. Звалина, А. К. Казанцева, Л. Э. Миндели. — М.: Экономика, 2004. 518 с.

⁴ Абрамов С.И. Инвестирование- М.: ЦЭМ, 2000.- 440с.; Rosenberg N., Birdzell L.E. How the West Grew Rich: The Economic Transformation of the Industrial World. -N.Y.: Basic Books, 2006; Drucker P. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles / P. Drucker. L.: Pan Books, 1986, p. 55.; Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002.

⁵ Edler, L. Georghiou. Public procurement and innovation — resurrecting the demand side//Research policy. 2007. No 36. P. 949-963.; Wootton S. Strategic Planning: The Nine Step Programme / S. Wootton,Home. – Kogan Page, 2014.

⁶ Кадыров А.М. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. Академия наук РУз Т.: «Иқтисодий», 2011; Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. –Т.: 2008. С.19-21; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004 г.; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2012, 24-б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва илмий асослари» илмий-тадқиқот марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-022 - "Иқтисодий барқарор ўсишни таъминлашда ички захиралар ва имкониятларни аниқлаш ва сафарбар қилишнинг илмий-услубий асослари" мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат корхоналарнинг инновацион фаоллиги назариясини ва унинг ривожланиш стратегияси тушунчаларини ўрганиш;

саноат корхоналари, хусусан “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” (“ТҚХТЗ”) акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш инновацион фаоллигини ривожланишини тадқиқ этиш;

“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятида инновацион фаолликнинг шаклланиши ва ривожланиш тенденциясини ўрганиш;

саноат корхоналари, хусусан “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг ривожланишини омиллар бўйича таҳлил қилиш;

инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг инновацион фаолликнинг стратегик йўналишлари бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини “ТҚХТЗ” акционерлик жамияти ва республика машинасозлик тармоғи саноат корхоналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий ва иқтисодий-инновацион муносабатларнинг ўзаро йиғиндисидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, корреляцион ва регрессион таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

В-1523, U-62, МХ-1.8, JX CE-220 маркали тракторлар учун валлар ва трансмиссия шестерняларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг иқтисодий-молиявий ва инновацион фаоллигини оширишнинг ички имконияти эканлиги асосланган;

“ТҚХТЗ” акционерлик жамияти ва саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини оширишда TTZLS 100HC, МХ-1.8 тракторлар унификациялашган кабиналарини «in country, for the world» модели бўйича ишлаб чиқаришни ўзлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

“корхонанинг инновацион фаоллиги” тушунчаси рақамли иқтисодиёт шароитида янги технологияларни ишлаб чиқариш ва иқтисодий оборотга

қўшиш (такомиллаштириш) билан бир қаторда фаолият интенсивлигини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

эконометрик моделлаштириш асосида СЕ-220 пахта териш машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва инновацион «anticipatory, proactive, reactive» моделлар трансформациясини танлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолликни оширишни мазмун-моҳиятининг назарий асослари такомиллаштирилган;

саноат ишлаб чиқариш, ижтимоий ва илмий-техник салоҳиятни комплекс баҳолаш асосида инновацион инфратузилмани такомиллаштириш бўйича тавсиялар таклиф этилган;

саноат корхоналари ва “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятида инновацион фаоллигини мавжуд имкониятлар ёрдамида ошириш ва мониторинг кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида корxonанинг инновацион салоҳият даражасини аниқлаш эконометрик модели ишлаб чиқилган;

машинасозлик саноат корхоналарини ишлаб чиқаришни инновацион ташкил этиш, инвестицияларни асосий капиталга жалб этиш ва ишлаб чиқариш фондларини янгилаш асосида корхоналарни инновацион ривожлантириш стратегияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли ҳулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва ҳулосалар саноат корхоналарида инновацион фаоллигини ошириш йўллари такомиллаштириш, улардан махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика саноат корхоналарида инновацион фаоллиги оширишини таъминлашда ҳамда республикада инновацион салоҳиятни ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда машинасозлик саноатини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

В-1523, U-62, МХ-1.8, JX CE-220 маркали тракторлар учун валлар ва трансмиссия шестерняларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг иқтисодий-молиявий ва инновацион фаоллигини оширишнинг ички имконияти бўйича таклифлар “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятида инновацияларни ривожлантириш режасини тузишда қўлланилган (“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг 2020 йил 16 январдаги 20-19-79-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалда қўллаш корxonанинг инновацион фаоллигини оширишга ва ялпи маҳсулот ҳажмининг кўпайишига олиб келган;

“ТҚХТЗ” акционерлик жамияти ва саноат корxonаларининг инновацион фаоллигини оширишда TTZ LS 100HC, МХ-1.8 тракторлар унификациялашган кабиналарини «in country, for the world» модели бўйича ишлаб чиқариш бўйича таклифлар “ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг 2020 йил 3 сентябрдаги 20-56-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг 2020 йил 10 сентябрдаги 20-13-87-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши ва интеграцион жараёнларни самарали ташкил қилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва 24,6%га молиявий ресурсларни тежаш имконини берган;

корxonанинг инновацион фаоллигининг интенсивлиги ҳамда эконометрик моделлаштириш асосида тегишли пахта териш машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва соҳага оид бошқа таклифлар “ТҚХТЗ” акционерлик жамияти ва тегишли саноат корxonалари амалиётга жорий қилинган (“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг 2020 йил 10 сентябрдаги 20-13-87-сонли маълумотномаси; "LUCH" МЧЖнинг 2020 йил 16 январдаги 16/1-сонли маълумотномаси; "SHABNAM SILVER" МЧЖнинг 2020 йил 27 январдаги 27/1-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши саноат корxonаларининг инновацион фаолияти, рақобатбардошлиги даражасини оширишга ҳамда корxонада бир қатор инновациялар киритилиб, сотиш ҳажмининг ўсишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 8 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола чоп этилган (5 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий журналларда).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бет ва иловалар ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети,

илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланилувчи усуллар, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва таркибий тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг **“Инновацион фаоллик замонавий саноат корхонасининг хусусияти сифатида”** деб номланган биринчи бобида саноат корхоналаридаги инновацион фаолликнинг моҳияти ва аҳамияти, саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ўрганилиб, саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш бўйича хорижий тажриба ва маҳаллий шароитларнинг хусусиятлари ёритиб берилган.

Корхоналар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ва ривожлантиришнинг асосий мақсади янги маҳсулотларни яратиш, энг янги технологиялар асосида модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва замонавий ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишдан иборат. Ички ва ташқи рақобат шароитида инновациялар, хусусан, янги ғоялар ва маҳсулотлар, илғор технологиялар ва ташкилий ечимлар тадбиркорлик фаолияти муваффақиятини белгилайди, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди ва уларнинг капиталлашув даражасини оширади.

Инновация бирор-бир янгилик ёки илмий янгилик киритиш эмас, балки мавжуд тизим самарадорлигини жиддий оширувчи янгиликдир. Кенгрок маънода бу тушунча амалга оширилган ижодий ғояга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Юқорида айтилганларга қўшимча сифатида таъкидлаш мумкинки, халқаро стандартларга мувофиқ, инновация бозорга киритилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот шаклида мужассам бўлган янгиликнинг якуний натижаси сифатида белгиланади. Инновацион фаолликнинг кўплаб таърифларини ўрганиб чиқиб, ҳозирги шароитда инновацион фаолликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инновацияларни ишлаб чиқиш;
- катта миқдордаги молиявий маблағлар;
- кластер таҳлили;
- ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;
- тижоратнинг мақсадга мувофиқлиги.

Инновацион фаоллик – инновацион фаолиятнинг моҳияти ва бир хил бошланғич шароитда ижобий ёки салбий бўлиш эҳтимолига эга натижалар, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятнинг иқтисодий субъектлари томонидан амалга оширилувчи интенсивлик ёки иқтисодий айланмада ишлаб чиқилган маҳсулотлар ўртасидаги боғлиқликдир.

Турли муаллифларнинг бир қатор тадқиқотларини таҳлил қилиш кўрсатдики, инновацион фаолликнинг тўлиқ тугалланган таснифи динамик табиати туфайли мавжуд эмас. Ҳозирги кунда “инновацион фаоллик” тушунчасини таърифлаш бўйича фикрлар ўзгармоқда.

Муаллифнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт талабларига биноан корxonанинг инновацион фаоллиги бозорга чиқарилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланаётган технологик жараён ёки илмий ғояларни тижоратлаштиришга қаратилган ғоялар трансформациясига корxonанинг тайёрлик даражасини ифодалайди. Яъни корxonанинг инновацион фаоллиги корxона томонидан янги технологияларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий айланмага қўшиш ёки такомиллаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш интенсивлигидир.

Ўзбекистонда инновацион фаолликни оширишни инновацион ишланмаларни рағбатлантириш ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш орқали қўллаб-қувватлаш керак. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида рақобат яратувчанлик кўринишида бўлиши учун давлатнинг ролини кучайтириш зарур.

Инновацион фаоллик ва фаол инвестициялар ёнма-ён бўлиши шарт. Инновациялар инвестиция жараёнига интеграция қилинганда, корxonанинг инновацион фаоллик даражаси ошади. Инновацияларнинг сифати юқори бўлса, корxonаларнинг инвестициялар киритиш динамикаси ўсиш суръатларида ривожланади.

Корxonаларнинг инновацион фаоллиги ресурсқайтимининг ошиш суръати билан баҳоланувчи даврда инновацион фаолиятни амалга ошириш тезлигини англатади. Шу билан бирга, қўшимча равишда фойдаланилувчи ресурсларни жалб этмай, сифатли ишлаб чиқариш натижаларига эришиш мумкин. Инновацион фаолликни корxonанинг стратегик ривожланиш имкониятларига таъсир этувчи рақобатбардошлик омили сифатида ривожлантириш учун корxonанинг ички муҳити ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқликда баҳоланади.

Саноат корxonаларининг инновацион фаоллиги ва рақобатбардошлигини оширишда ташкилий-ишлаб чиқариш, молиявий, технологик, тармоқлараро, ички хўжалик ва ташқи иқтисодий чора-тадбирларнинг босқичма-босқич ва кетма-кетликда киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, миллий маҳсулот рақобатбардошлиги ва экспортини ошириш ҳамда ортикча харажатларни йўқотиш мақсадида реал сектор корxonаларини қўллаб-қувватлаш тизими ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари асосида замонавий корxonалар ва фермер хўжаликлари, энг илғор техника ва технологиялардан фойдаланишга асосланган ихтисослашган ишлаб чиқариш муассасалари сони кўпаймоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корxonаларнинг қайта ишлаш соҳалари билан кооперацион алоқалари кучаймоқда.

1-жадвалда корxonаларнинг инновацион фаоллигига таъсир этувчи омиллар гуруҳларга ажратилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги инновацион фаол корxonалар ғарбдан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки ғарб корxonалари сифатли маҳсулотлар билан тўйинган юқори рақобатбарли бозор шароитида фаолият

юритмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқариш халқаро бозорнинг сифат стандартларидан ортда қолмоқда. Янги маҳсулотларнинг сезиларли қисми фақат ички бозорда янги бўлиб, рақобатбардош эмас ва уни жаҳон стандартларига етказиш кўплаб корхоналардан имконсиз кўплаб харажатлар ва саъй-ҳаракатларни талаб этади.

1-жадвал

Инновацион фаоллигига таъсир этувчи омиллар⁷

Омиллар	Салбий	Ижобий
Иқтисодий, технологик	Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий маблағлар етишмаслиги; моддий ва илмий-техник таъминот бўшлиғи, эскирган технология, захира қувватлари мавжуд эмаслиги; жорий ишлаб чиқаришнинг етакчилиги	Молиявий ва моддий-техник маблағлар, тараққий технологиялар, хўжалик ва илмий-техник инфратузилма билан тўлиқ таъминланиши; инновацион фаоллик учун моддий рағбатлантириш
Сиёсий, ҳуқуқий	Антимонопол, солиқ, амортизация, патентлаш-лицензиялаш қонунчилиги орқали чегараланиши	Инновацион фаолликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш
Ташкилий-бошқарув	Эски ташкилий тузилма, ортиқча марказлаштириш, авторитар бошқарув, ахборотнинг вертикал оқими, соҳалараро ва корхоналараро ўзаро муносабатларнинг қийинлиги, жорий бозор шароитига мослашиш, қисқа муддатли лойиҳаларга ёндашиш, инновацион фаолият иштирокчилари-нинг зиддияти	Ташкилий тузилманинг мослашувчанлиги, корпоратив бошқарув, ахборотнинг горизонтал оқими, ўз-ўзини режалаштириш, қайта тузатиш киритиш имконияти, автоном ва марказсиз усуллари, мақсадли муаммоли гуруҳлар тузиш
Ижтимоий-психологик ва маданий	Маълум урф-одатлар, фаолият турлари, ташқаридан келган янгилашиш, статусни алмаштириш сингари ўзгаришларга қарши чиқиш, янгиликдан чўчиш, ноаниқликдан кўрқиш, омадсизлик хавфидан қочиш	Маънавий рағбатлантириш, оммавий қабул қилиниши, ўз-ўзини англаш, ижодий меҳнатга эркинлик бериш, меҳнат жамоасида соғлом ижтимоий руҳият

Корхоналарнинг инновацион фаоллиги молиявий ресурслар ва малакали кадрлар етишмаслиги, маркетинг ахборотлари билан чекланади. Инновациялар самарали бўлиши учун биринчи навбатда ташқи ва ички алмашинув мақсадлари, шакллари, инновацион мақсадлар учун харажатлар сметалари, молиялаштириш манбалари аниқ белгиланиши керак.

Диссертациянинг **“Саноат корхоналари инновацион фаоллигининг жорий ҳолати таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларида фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб қўйилган иқтисодий-технологик модернизация қилиш ва ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтиш вазифаси давлатнинг нафақат саноат, балки бу

⁷ Муаллиф томонидан тайёрланган.

стратегияни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида стратегияни такомиллаштириш талаб этилади.

Ҳозирги кунда инновацион фаолият асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал

Саноат инновацияларини молиялаштиришнинг асосий манбалари⁸

Йиллар	Саноатда ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз), млн. сўм	Саноат инновациялари га бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлар, млн. сўм	Саноат инновацияларига ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан харажатлар, млн. сўм	Саноат инновацияларига тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қилинган харажатлар, млн. сўм
2009	-	-	248484,4	11578,3
2010	1762157,7	-	182010,7	28866,8
2011	1193220,7	-	141905,5	20684,0
2012	3533801,4	-	194159,7	24838,7
2013	3900658,5	-	1708663,8	168387,3
2014	6118385,8	-	1011440,6	247302,2
2015	5212488,3	-	713692,4	246009,2
2016	6603162,9	-	719479,2	112522,2
2017	12680903,0	148703,4	1574166,7	61291,1
2018	20056597,2	551730,1	1696911,8	471146,6

Жадвалга кўра, 2012 йилгача даврда саноатнинг ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, шунингдек, корхоналарнинг ўз инновацион маҳсулотларига харажатлар миқдори пасайиш тенденциясига эга эди. 2013 йилдан бошлаб, саноатда инновацияларни молиялаштириш манбалари кўрсаткичлари босқичма-босқич ошиб бормоқда.

Мамлакат саноатидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили кўрсатадики, хомашё ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш суръати қайта ишланган маҳсулотларга нисбатан анча юқори. Бу ҳолат хомашёни технологик қайта ишлашнинг бир ёки икки босқичи билан чекланган барча тармоқларга нисбатан қўлланилади. Экспорт таркибида таркибий ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичи бўлган углеводород маҳсулотлари улуши устун бўлиб, ишлаб чиқаришгача пахта толаси ва нефть-кимё маҳсулотларига тегишли бўлган.

Саноатдаги инновациялар кўрсаткичларини баҳолаш 2017 йилдан кейин (5 баробар) инновациялар сони ҳақиқатда ошишини кўрсатди. Шу билан бирга, 2018 йилда саноат патентлари ва ихтироларининг кескин (18 баробар) пасайиши кузатилмоқда.

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Муаллифнинг фикрича, илмий тадқиқот корхоналари ходимлари сонини ҳисобга олган ҳолда инновациялар сони кўпайиши меҳнат унумдорлиги ошиши туфайли кадрлар қисқаришига олиб келади. Шундай қилиб, 2009 йилда 231 янгилик билан 220 киши илмий ишланмалар билан шуғулланган бўлса, 2018 йилда 1379 янгилик 145 кишини ташкил этди. Шундай қилиб, маркетинг ва технологик инновациялар харажатлари ҳажми ошиши бевосита инновациялар сони ошишига таъсир қилади, аммо патент ва ихтиролар сони билан боғлиқ эмас.

Хулоса қилиш мумкинки, маркетинг ва технологик янгиликлар сони бўйича нисбатан барқарор ўсишга эришилди. 2018 йилда 2009 йилга нисбатан 5,9 баробар кўпроқ янгиликлар жорий этилди. Улар учун харажатларга келсак, ушбу даврда 10,5 баробар ошганини кузатиш мумкин. Афсуски, 2014 йилдан бошлаб, олинган патент ва ихтироларнинг сони камая бошлади, бу иқтисодиётнинг саноат соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси саноати учун ишлаб чиқариш функциясини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$y = 0,029 \cdot K^{0,3938} \cdot L^{5,712} \quad (1)$$

(5,39) (0,09) (0,86)

Ҳисобга олинмаган омиллар Ўзбекистон Республикаси саноати учун шакланган ишлаб чиқариш функциясига 0,029 коэффиценти билан таъсир кўрсатади (1).

Саноатнинг асосий фондлари учун ҳисобланган коэффицент 0,3938 %ни ташкил этиб, эластиклик коэффиценти ҳисобланади ва асосий воситалар қийматининг 1 %га ўзгариши саноат ялпи маҳсулоти қийматининг 0,3938 % кўпайишини кўрсатади.

Саноатда банд бўлганлар сонининг 1 %га ўзгариши ялпи маҳсулот ўртача 5,712 %га ошганлигини кўрсатади.

Республикамизда саноатнинг 93,55 %га ривожланиши (саноатда банд бўлганлар кўпайиши) экстенсив омилларга боғлиқ. Бу интенсив ривожланиш йўлига ўтишни талаб қилади. Демак, муаллифнинг тадқиқотлари ва саноат учун тузилган Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси параметрлари саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, республика саноатининг самарали фаолияти ва инновацион ривожланиши учун янги моделнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” акционерлик жамияти (“ТҚХТЗ” АЖ) фаолияти ўрганилиб аниқландики, корxonанинг инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи асосий сабаб бу унинг тўловга қодир эмаслиги ҳисобланади. Қолган барча омиллар асосий сабабдан келиб чиқиб, у стратегик соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг заифлиги, маҳсулотларни кредитлаш ва сотиш учун қулай шароитлар мавжуд эмаслиги, қишлоқ хўжалиги техникаси бозорида кучли рақобат ва юқори технологик

маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хомашёнинг чекланганлигидан иборат.

Корхона фаолияти давомида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича инновацион чоралар кўрилади (3-жадвал).

3-жадвал
“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятида инновацион чора-тадбирлар рўйхати⁹


Йил	Чора-тадбирлар	Самара
2018	Тўртта ишлаб чиқариш линиясида сўнгги полимер қатлам қолдиқларини ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш тизимини ишлаб чиқиш	полимер қатламини ишлаб чиқариш таннархи 10 %га пасайган
	Лаборатория ташкил этиш ва уни синов ускуналари билан жиҳозлаш. Хомашё ва материалларнинг кириш назорати ва маҳсулотнинг сифатли чиқишини назорат қилиш	Нуқсонли маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар томонидан эътирозлар тушиши 0,3 %га камайган
2019	Экструзион ускуналар каландрларига янги чидамли валлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Валларни алмаштириш даври қисқариши металл қатлами таннархи пасайишига олиб келди
	Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	Қисқа муддатли ишлаб чиқаришни самарали режалаштириш ва таҳлил қилиш имконини берди
	Цехларга хомашё ва материалларни етказиб беришни марказлаштириш	Хомашё ва материалларни сақлаш учун омборхона майдонларини камайтириш

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар, умуман, корхонанинг ишлаб чиқариш ва технологик салоҳияти кониқарли даражада эканлигини изоҳлайди, демак, корхонада мавжуд ускуналар парки инновацион фаолиятни амалга оширишни таъминлашга қодир. Корхона янги ва замонавий ускуналарни сотиб олиш билан бирга, техник жиҳозлари йилдан-йилга ошириб бормоқда.

2020 йилга мўлжалланган бизнес-режага мувофиқ, ТТЗ-100НС русумли серияли ишлаб чиқариш тракторларини йиғиш технологик жараёни асосида трактор ва прицеплар ишлаб чиқариш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, “ТҚХТЗ” акционерлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 2ПТС трактор тиркамалари ва пахта териш машиналари 2000 та трактор, 3000 та тиркама ва 500 та пахта териш машинасидан иборат. 2020 йил учун жорий йил ишлаб чиқариш режасига мувофиқ оммавий ва янги ўзлаштирилган ускуналарни сотиш режалаштирилган.

1-расмда “ТҚХТЗ” акционерлик жамияти маҳсулотларининг уч тури бўйича рентабеллик кўрсатилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, юқори технологияли маҳсулотлар қанча кўп бўлса, ишлаб чиқариш ҳам шунча фойдали бўлади.

⁹ Муаллиф ишланмаси.



1-расм. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича янги маҳсулотларнинг рентабеллиги¹⁰

Демак, муаллиф тадқиқотлари ва саноат учун тузилган Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг параметрлари саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, шунингдек, республика саноатининг самарали ишлаши ва инновацион ривожланиши учун янги моделнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

СЕ-220 пахта териш машиналари ва ТД 5.110 тракторларини ишлаб чиқариш учун алоҳида компонентларни ўрганиш кўрсатдики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун компания бу маҳсулотларни ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилиши керак. Бунинг учун инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур.

Бунда қуйидагилар таклиф қилинди:

1-босқич – 2019-2020 йиллар – катта ҳажмда рамка, бункер, платформа, аппаратлар рамкаси, корпус, ҳимоя корпуси, бункер рамкаси, ҳимоя экрани, чиқинди тизими, пневматик қувурлари, зинапоялар, тутқич ва бошқаларни локализация орқали ишлаб чиқариш.

2-босқич 2020-2021 йиллар – катта ҳажмда кабинани, редуктор блокини, гидравлик блокни, тозалаш аппарати, ёнилғи бак, вентиляторни локализация орқали ишлаб чиқариш.

4-жадвалда 2та маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш учун импорт ва маҳаллий компонентлар тўғрисида маълумот берилган:

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

СЕ-220 пахта териш машина, TD 5.110 тракторини ишлаб чиқариш учун импорт ва маҳаллий компонентлар тўғрисида маълумот, млн. сўм¹¹

№	Компонент номи	Русумлар сони	Ишлаб чиқарувчи давлат	Бир дона маҳсулотга сарфланган материаллар қиймати	
				минг.долл.	млн.сўм
I.	СЕ-220 + трактор TD 5.110 пахта териш машинаси			97,19	801,83
1.	СЕ-220 машинасининг хорижда ишлаб чиқарилувчи компонентлари	383		65,20	537,90
1.1.	Кабина ва гидротизим	163	Ҳиндистон, Пуне, 2 600 км.	15,43	127,30
1.2.	Йиғиштирувчи аппаратлар, ювиш тизими, жгут ва стандарт маҳсулотлар	128	АҚШ, Иллинойс, 10 400 км.	41,65	343,59
1.3.	Рул ва тормоз тизими, датчиклар	73	Италия, Вилланова, 5 900 км.	3,65	30,11
1.4.	Ёқилғи бак ва боқарув ричаги	19	Туркия, Анкара, 4 300 км.	0,47	3,89
1.5.	Маҳаллий русумларга хомашё, материаллар, бир донасига	4000 кг	Россия, Череповец, 3 700 км.	4,00	33,00
2.	TD 5.110 тракторнинг импорт компонентлари	893		27,02	222,94
2.1.	Трансмиссия, двигатель, кабина ва стандарт маҳсулотлар	891	Туркия, Анкара, 4 300 км.	24,04	198,29
2.2.	Дисклар ва шиналар	2	Латвия, Рига, 4 300 км.	2,59	21,35
2.3.	Маҳаллий русумларга хомашё ва материаллар, бир донасига	400 кг	Россия, Череповец, 3 700 км.	0,40	3,30
3.	СЕ-220 пахта териш машинасига локал компонентлари	289		2,67	22,00
4.	TD 5.110 тракторига локал компонентлари	17		2,30	19,00

“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг инновацион фаоллик кўрсаткичлари 5-жадвалда кўрсатилган.

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**“ТҚХТЗ” акционерлик жамиятининг инновацион фаоллик
кўрсаткичлари¹²**

Йил	Патент ва лицензиялар сони, дона	Янги сотиб олинган/ишлаб чиқилган технология/маҳсулот, дона	Инновацион харажатлар, млн. сум
2000	1	28	89,8
2001	1	27	81,8
2002	1	26	70,8
2003	1	25	41,0
2004	1	24	15,0
2005	1	23	43,0
2006	2	21	41,4
2007	0	20	153,8
2008	0	20	261,8
2009	0	20	376,8
2010	1	19	441,0
2011	1	18	568,9
2012	1	17	682,5
2013	2	15	788,0
2014	1	14	1 803,4
2015	1	13	20 315,2
2016	2	12	44 671,4
2017	2	15	68 750,0
2018	4	14	96 750,0
2019	4	11	240 549,5

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики, патентлар ва лицензиялар сони ва инновациялар нархи доимий равишда ошиб бормоқда. Шу билан бирга, 2003-2006 йилларда сотиб олинган/ишлаб чиқилган янги технологиялар/маҳсулотлар сони камайган ва 2007 йилдан буён ошиб келмоқда. Бу шуни англатадики, мазкур йилларда харажатлар ошиши мавжуд технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ. Шунингдек, “инновациялар учун харажатлар” ва “сотиб олинган/ишлаб чиқилган янги технологиялар/маҳсулотлар сони” кўрсаткичлари бўйича хулоса қилиш мумкинки, “ТҚХТЗ” акционерлик жамияти томонидан ўзлаштирилган ҳар бир янги технология қимматроқ, кенг қўламли ва мукамал бўлади. 2017 йилдан бери 3 та янги технологиялар /маҳсулотлар ўртача 96 750,0 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич янги технологиялар/маҳсулотлар учун 89 320,56 миллион сўмни ташкил этди.

“ТҚХТЗ” акционерлик жамияти барча керакли ахборот манбаларига эга, қонуний ва ҳуқуқий асослардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, корхона турли хил соҳада кўргазмалар, конференция ва семинарларда қатнашади, ўз электрон почта домени ва веб-сайтига эга. Тижорат сирлари тўғрисидаги қоидалар ишлаб чиқилган ва ички корпоратив маълумотларни ҳимоя қилиш тизими мавжуд.

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

